# ҒАЛАБА БАЙРАМИ БИЛАН!

*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1926 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 88 (8078).

9 май Душанба 1983 йил

Баҳоси 3 тийин.




## ҚИШЛОҚ МЕҲНАТКАШЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистонда меҳмон бўлган ГБСП Марказий Комитетининг Бош секретари, ГДР Давлат Кенгашининг Раиси Э. Хонеккер, Германия Демократик Республикасининг у бошчилик қилган партия-давлат делегациясининг бошқа аъзолари 7 май куни Тошкент областининг қишлоқ меҳнаткашлари билан учрашдилар.

ГДРлик меҳмонлар эрталаб Коммунистик районидаги «Ленинский путь» колхози марказига келдилар. Бу ерда немис ўртоқларни табриклаш учун район хўжаликларининг юзлаб меҳнаткашлари йиғилдилар. Меҳмонлар нон-туз, баҳор гуллари, карнай-сурнай тантанали садолари, рақслар билан кутиб олинди.

«Ленинский путь» колхози кўп тармоқли хўжалик бўлиб, кўп миқдорда пахта, каноп, сабзавот, мева маҳсулотлари, чорвачилик маҳсулотлари етиштиради, миллионлаб сўм даромад олиб туради. Э. Хонеккер, делегациянинг бошқа аъзолари колхозчиларнинг меҳнат ва турмуш шароитлари, хўжаликнинг истиқболи билан қизиқдилар. Районнинг раҳбарлари, колхоз правлениесининг аъзолари, колхоз ишлаб чиқаришининг илғорлари билан суҳбат бўлди. Суҳбат чоғида меҳмонлар хўжаликни социал иқтисодий ривожлантириш, районда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш режалари билан таништирилди. Район дала ва фермаларининг меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленуми, Озиқ-овқат программаси ўртага қўйган вазифаларни қатъият билан бажармоқдалар.

Э. Хонеккер, ГБСП Марказий Комитетининг секретари В. Фельфе самимий кутиб олганликлари учун колхозчиларга сидқидилдан миннатдорчилик билдирдилар. ГДР партия-давлат делегациясининг Совет Иттифоқига қилган ҳозирги визити бир сафда туриб тинчлик ва социализм учун курашаётган икки мамлакат халқлари дўстлиги ва қардошларча ҳамкорлигининг яна бир ёрқин далили бўлганлиги айтилди. Кремлда тўла ҳамжиҳатлик вазиятида ўтган музокаралар, Олмаота ва Тошкентдаги суҳбатлар ва учрашувлар қарашларимиз ва ниятларимизнинг бирлигини кўрсатди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андропов ўртага қўйган янги тинчлик таклифлари халқаро кескинликни юмшатиш учун, ядро уруши хавфига қарши курашда социалистик лагерь мамлакатлари позициясини янада мустаҳкамлайди.

Меҳмонлар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ҳамма тармоқлари комплекс равишда ривожланиб бораётган, пахта ва озиқ-овқат экинларининг ҳосили муттасил кўпайиб бораётган, чорвачилик маҳсулотлари ортаётган Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг муваффақиятларига юксак баҳо бердилар. Кўпгина миллат вакиллари меҳнат қилаётган колхозингиз социалистик хўжалик юритиш усулининг афзалликларидан моҳирона фойдаланиш тимсоли бўла олади, деди В. Фельфе. Орттирган тажрибаларингиз ибратли ва фойдалидир. Делегациямизнинг аъзолари Совет диёридаги самимият ва сидқидилликни ҳеч қачон унутмайди.

Делегация аъзолари колхознинг маданий-маиший муассасалари билан танишдилар. Бу ерда қишлоқ меҳнаткашларининг турмуш шароитларини яхшилашга, уларнинг турмуш маданиятини юксалтиришга кўп эътибор берилмоқда. Меҳмонлар колхоз маданият саройида бўлиб, унинг картиналар галереясини, илмий коммунизм асосчиси Карл Маркс туғилган куннинг 165 йиллиги ва вафотининг 100 йиллигига бағишлаб ташкил этилган виставкани кўриб чиқдилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. В. Русаков, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Л. А. Костандов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари, ГДР делегациясига ҳамроҳ расмий кишилар Э. Хонеккер ва делегация аъзолари билан бирга «Ленинский путь» колхозида бўлдилар.

## ГДР ДЕЛЕГАЦИЯСИ ТОШКЕНТДАН ЖЎНАБ КЕТДИ

ГБСП Марказий Комитетининг Бош секретари, ГДР Давлат Кенгашининг Раиси Э. Хонеккер бошчилигида расмий дўстона визит билан Совет Иттифоқига келган Германия Демократик Республикаси партия-давлат делегацияси 7 май куни Тошкентдан ватанига жўнаб кетди.

ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ГДР Министрлар Советининг Раиси В. Штоф, ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ГБСП Марказий Комитетининг секретари Г. Аксен, ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ГБСП Марказий Комитетининг секретари В. Фельфе, ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ГБСП Марказий Комитетининг секретари И. Герман, ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ГДР давлат хавфсизлиги министри Э. Милке, ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ГБСП Марказий Комитетининг секретари Г. Миттаг, ГДР Давлат Кенгаши Раисининг ўринбосари, Германия либерал-демократик партиясининг раиси М. Герлах, ГДР Давлат Кенгаши Раисининг ўринбосари, Германия Миллий демократик партиясининг раиси Г. Хоман, ГДР Давлат Кенгаши Раисининг ўринбосари, Германия Демократик деҳқонлар партиясининг раиси Э. Мекленбург, ГДР миллий фронти миллий кенгашининг президенти Л. Кольдиц, ГБСП Марказий Комитетининг аъзоси, ГДР ташқи ишлар министри О. Фишер, христиан-демократик иттифоқи раисининг ўринбосари Г. Теплиц, ГБСП Марказий Комитетининг аъзоси, ГБСП Марказий Комитети халқаро алоқалар бўлимининг мудири Г. Зибер Э. Хонеккер билан бирга Ўзбекистон пойтахтидан жўнаб кетдилар. СССРнинг ГДРдаги элчиси П. А. Абрасимов ҳам Берлинга жўнаб кетди.

Тошкент аэропортида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. В. Русаков, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Л. А. Костандов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва бюро аъзолигига кандидатлари Е. А. Айтмуротов, Ю. П. Максимов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, И. Б. Усмонхўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Н. М. Маҳмудова, Л. Н. Мелкумов, У. У. Умаров, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Г. М. Орлов, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Р. Ҳ. Абдуллаева, Қ. А. Аҳмедов, В. К. Михайлов, Б. Р. Раҳимов, М. Т. Турсунов, А. Р. Хўжаев, мамлакат бўйлаб сафарда ГДР делегациясига ҳамроҳ бўлган расмий кишилар, Ўзбекистон ССР министрлари, Давлат комитетларининг раислари Э. Хонеккерни, делегация аъзоларини кузатиб қолдилар. Кузатиб қолувчилар орасида ГДРнинг СССРдаги элчиси Э. Винкельман бор эди.

Тошкент меҳнаткашларининг вакиллари аэропортга бориш йўлида ва аэровокзал перронида Э. Хонеккерни, ГДР делегациясининг аъзоларини самимий табриклаб турдилар.

(ЎзТАГ).

## СССР МУДОФАА МИНИСТРИНИНГ БУЙРУҒИ

1983 йил 9 май № 115 Москва шаҳри

**Солдат ва матрос, сержант ва старшина ўртоқлар!**

**Прапоршчик ва мичман ўртоқлар!**

**Офицер, генерал ва адмирал ўртоқлар!**

**Армия ва флот ветеранлари, Улуғ Ватан урушининг қатнашчилари, ўртоқлар!**

**Бугун Ватанимиз, қардош социализм мамлакатларининг меҳнаткашлари, бутун тараққийпарвар инсоният совет халқининг 1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида қозонган ғалабасининг 38 йиллигини нишонламоқдалар.**

**Улуғ Ватан уруши совет халқи ва унинг Қуролли Кучлари учун энг оғир синов бўлди. Бу урушда жаҳонда биринчи социалистик давлатнинг тақдири, жаҳон цивилизацияси, тараққиёт ва демократиянинг келажаги ҳал этилди. Армия ва Флот жангчилари Улуғ Ватан уруши йилларида ўзларининг жанговар байроқларини сўнмас шон-шуҳратга буркадилар. Улар юксак маънавий, жанговар фазилатларини, ғалабага бўлган букилмас иродани намойиш қилдилар. Ишчилар синфи, колхозчи-деҳқонлар ва халқ зиёлилари чинакам қаҳрамонлик кўрсатдилар.**

**Совет халқи, унинг шавкатли Қуролли кучлари Коммунистик партия раҳбарлигида оламшумул — тарихий ғалабани қўлга киритдилар, Гитлер Германиясини, сўнгра милитаристик Японияни қақшатғич мағлубиятга учратиб, социалистик Ватан шон-шарафи ва мустақиллигини қаттиқ туриб ҳимоя қилдилар, жаҳон халқларини фашизм асорати хавфидан қутқариб қолдилар.**

**Халқаро империалистик реакциянинг зарбдор кучлари устидан қозонилган ғалаба ижтимоий ва давлат тузумимизнинг ҳал қилувчи афзалликларини совет жамиятининг бузилмас ғоявий-сиёсий бирлигини марксизм-ленинизм идеологияси, совет ватанпарварлиги ва пролетар, социалистик интернационализм тантана қилганлигини яққол намойиш этди. Бу ғалаба жаҳон революцион жараёнининг қудратли тезлаткичи бўлди, бутун дунёда тинчлик кучларининг мустаҳкамланишига олиб келди.**

**Эндиликда халқимиз партия XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети май ва ноябрь Пленумларининг қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ю .В. Андроповнинг кўрсатмаларини сабот билан амалга оширмоқда. Шу йил планини ва умуман ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли равишда тўла ва ошириб бажариш учун социалистик мусобақа кенг авж олдириб юборилди.**

**Совет Иттифоқи қардош социалистик мамлакатлар билан яқин ҳамжиҳатликда тинчликсевар ташқи сиёсатни қатъият ва изчиллик билан ўтказиб келмоқда. Тинчликни ва халқлар хавфсизлигини мустаҳкамлаш учун, инсониятни термоядро уруши хавфидан халос этиш учун сабот билан курашмоқда.**

**Бироқ АҚШнинг ва НАТО агрессив блокининг милитаристик доиралари халқаро вазиятни ҳамон кескинлаштирмоқда. Улар Совет Иттифоқи ва унинг иттифоқчилари устидан ҳарбий устунликка эришишга интилиб, қуролланиш пойгасини кучайтирмоқдалар, ядро уруши чиқаришнинг турли вариантларини ишлаб чиқмоқдалар. Шундай бир шароитда совет халқи, Коммунистик партия ва Совет давлати юксак сергаклик кўрсатиб, мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашга, Совет Қуролли Кучларининг жанговар қудратини оширишга доимо эътибор бермоқдалар.**

**Ленин васиятларига содиқ бўлган совет жангчилари қардош социалистик мамлакатларнинг армиялари билан мустаҳкам бирликда социализм тарихий ғалабаларини ва халқлар хавфсизлигини сергаклик билан ҳимоя қилмоқдалар. Улар ўзларининг ватанпарварлик ва интернационал бурчини адо этишга ҳамиша шай бўлиб турибди.**

**Армия ва Флот шахсий составини, СССР Қуролли Кучлари ветеранларини, барча уруш қатнашчиларини улуғ Ғалаба байрами билан табриклайман ва қутлайман.**

**Совет халқининг Улуғ Ватан урушидаги ғалабаси ўттиз саккиз йиллигини нишонлаш юзасидан БУЮРАМАН:**

**Бугун маҳаллий вақт билан соат 22 да Ватанимиз пойтахти—Қаҳрамон шаҳар Москвада, иттифоқдош республикаларнинг пойтахтларида, қаҳрамон шаҳарлар — Ленинград, Волгоград, Одесса, Севастополь, Новороссийск, Керчь, Тула, Қаҳрамон Брест қалъасида, шунингдек Калининград, Львов, Ростов-Дон, Куйбишев, Свердловск, Новосибирск, Чита, Хабаровск, Владивосток ва Североморскда тўплардан бир йўла ўттиз марта ўқ узиб, байрам артиллерия салюти берилсин.**

**Ватанимиз озодлиги ва мустақиллиги йўлидаги жангларда ҳалок бўлган қаҳрамонларга абадий шон-шарафлар!**

**Яшасин қаҳрамон совет халқи ва унинг шавкатли Қуролли кучлари!**

**Яшасин барча ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси—Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!**

**СССР МУДОФАА МИНИСТРИ**
**СОВЕТ ИТТИФОҚИ МАРШАЛИ**
**Д. УСТИНОВ.**

*ПУБЛИЦИСТИКА*

## МУҚАДДАС АЙЁМ

**Ҳамид ҒУЛОМ,**

**СССР Давлат мукофоти лауреати, Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси**

1945 йил май ойининг дастлабки кунлари ҳамон ёдимда. 2 майда Берлин забт этилди, 9 май куни фашизмнинг мудҳиш қароргоҳи — гитлерчилар Германияси таслим бўлди. Мен радиода диктор бўлиб ишлардим, шонли Совет Армиямиз иттифоқдошлар билан биргаликда қозонган тарихий Ғалаба ҳақидаги Олий Бош қўмондонлик фармонларини чексиз фахру ғурур билан халқимга ўқиб эшиттирдим.

Минг йиллар давомида, бирон-бир даврда мисли кўрилмаган иккинчи жаҳон уруши гитлерчи-фашизмнинг мағлубияти билан тугаган кундан буён ўттиз саккиз йил ўтган бўлса ҳам, тирик жонки бор, у бемисл оғир кунларни, қаттол уруш даҳшатларини, тиш-тирноғигача қуролланган гитлерчи ваҳший галаларнинг халқлар бошига солган мудҳиш кулфатларини ҳамон эслайди. Совет халқининг йигирма миллион азиз фарзанди — баркамол йигит ва қизлари ўз ҳаётларини Ватанимиз озодлиги ва мустақиллиги йўлида фидо қилдилар. Ҳали беҳисоб онахонларнинг интизор кўзларидаги қайноқ ёшлари қуригани йўқ. Брест қалъасининг тош деворларидаги жароҳатлар, Хатинь қишлоғининг тинимсиз янграб турган қўнғироқлари, Освенцим ва Бабий Ярдан ҳамон эшитилиб турган фарёдлар ҳар бир виждонли инсонни, бутун башариятни огоҳлантириб турибди: **ҳой одамлар, ҳушёр бўлинглар!**

Мислсиз қурбонлар, чексиз маҳрумликлар эвазига, афсонавий мардлик, бардошу матонат эвазига Ғалабани қўлга киритган совет кишилари уни ардоқлайдилар, кўз қорачиғидай сақлайдилар, муқаддас байрам билан нишонлайдилар.

Ҳар бир шаҳар, ҳар бир районда Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган қаҳрамонлар шарафига «Мангу олов» ёқиб қўйилган, шу мардларни туғиб-тарбиялаган Оналарга ҳайкаллар тикланган.

**Бу ҳайкал —**
**инсонга,**
**Абадий ғолиб,**
**Ҳаёт ижодкори —**
**улуғ инсонга!**
**Бу ҳайкал—**
**замонга,**
**Совет даврини —**
**Олам ифтихори —**
**қутлуғ замонга!**
**Бу ҳайкал —**
**бардошли,**
**Қалби қуёшли,**
**Яратиш тимсоли —**
**Онажонларга!**
**Улар майдонларга**
**кузатган, лекин**
**Юртига қайтмаган**
**жонажонларга!**
**Мангулик — жонлардан**
**мужассам зафар;**
**Мангулик —**
**тинимсиз меҳнат,**
**кураш,**
**жанг.**
**Замондош,**
**шу ердан ўтсанг ҳар**
**саҳар**
**Улуғ Мангуликни**
**яққол кўрасан.**

Рейхстаг қуббасига Ғалаба байроғи ўрнатилган кундан буён ўтган 38 йилнинг ҳар куни, ҳар бир соати тинчликни мустаҳкамлаш учун, янги уруш хавфини йўқотиш учун изчил кураш олиб бориш шиори остида ўтди. Совет Иттифоқи бошчилигидаги социалистик мамлакатлардан ташкил топган қудратли янги дунё тобора кучга тўлиб, империализмнинг таянчи— АҚШ бошчилигидаги зулм ва зўравонлик кучларига, янги даҳшатли ядро урушига зўр бериб тайёрланаётган капиталистик дунёга қарши мустаҳкам метин қоядай мағрур қад кўтариб турибди.

Америка империализми ва унинг мафкуравий қўпориш ташкилоти — ЦРУ — Марказий Разведка Бошқармаси ер юзидаги эркесевар халқлар бошига мудҳиш кулфатлар ёғдирмоқда. Сальвадор фожиаси, Ливандаги қонли уруш, Жанубий Африкада қутураётган ирқчилар, Ўрта Ер денгизидаги ва Эрон кўрфазидаги ядро қуроллари билан таъминланган ҳарбий кемалар, Гондурасдан Никарагуага ва Покистондан Афғонистонга юборилаётган босмачи-душман галалари... — булар ҳаммаси империализмнинг эркесевар халқлар бошига бало ёғдирувчи, қўл ва оёқларига кишан солгувчи қора кучлардир.

Иғво, туҳмат, заҳар, ёнғин, босқин, зўравонликни қурол қилиб олган XX аср ваҳшийларига 1945 йил кўкламида фашизм устидан қозонилган тарихий Ғалабани такрор ва такрор эслатиб туриш зарур. Кимки, халқлар озодлигига, одамзод эрки, тинчлиги ва саодатига ваҳшиёна хуруж қилар экан, бундай зўравонлар гитлерчи-фашистларнинг қисматига, албатта, дучор бўлажак!

Шонли Ватанимиз —оға-ини, ёр-биродар, озод халқлар маскани. Ер куррасидаги бепоён гўзал диёр — Совет Иттифоқи йилдан-йилга тобора яшнаб, ривожланган социалистик жамият бўлиб жаҳонга танилди, ўнлаб ва юзлаб эркесевар халқларнинг буюк ҳурмат-муҳаббатига сазовор бўлди.

Мен кейинги ойларда Москва, Украина ва Белоруссияда, Қирғизистон ва Тожикистонда, жонажон республикамиз — Ўзбекистоннинг анчагина шаҳар ва қишлоқларида бўлдим. Бутун совет халқи улуғ ижодий меҳнат — қуриш, яратиш билан машғул: тоғларда янги нурхона — ГЭСлар ва сув омборлари, чўлсаҳроларда янги шаҳар, посёлка, совхоз, заводлар қад кўтарибди. Замонавий янги иншоотлар, янги ва кенг йўллар, юксак бинолар, янги мактаблар, магазинлар, кино-театрлар, боғчаю-яслилар...

Бир гуруҳ ёзувчилар Ангренга бордик. Шаҳар ўртасида кенг майдон барпо этилибди. У ерда улуғ доҳиймиз В. И. Ленинга буюк ҳайкал ўрнатилибди. Ўлкашунослик музейида бўлдик: археологларимиз топган қадимги инсон масканидан то кейинги минг йиллар давомида содир бўлган воқеалар, шу жумладан, оҳангаронликларнинг Искандар Зулқарнайн қўшинларига қарши қаҳрамонона жанги тасвирланган улкан расм бизга чуқур таъсир қилди. Ҳозирги Ангрендаги қурилишлар эса киши муҳофизасига сиғмайдиган даражада кенг ва кўркам. Масалан, Оҳангарон кўмир ҳавзаси тагидан дарёни ўтказиш учун қурилган етти километрдан зиёд узунликдаги темир-бетон туннель — мўъжиза канал!.. Бу ажиб йўл қурувчилари кейинчалик Тошкентга келиб, метро қурилишида ишлай бошлаганлар. Яна бир ибратли факт: биз, ёзувчилар беш группага бўлиниб, кўмир кони, ГРЭС қурилиши, икки корхона ва педагогика институтида китобхонлар билан учрашувлар ўтказдик. Бошқа ўнлаб йирик коллективлардан эса қарздор бўлиб қолдик. Булар — биргина шаҳарда бир кун давомида юз берган воқеалар.

Бу воқеалар Ғалаба байрами арафасида содир бўлгани учун биз адабий кечаларда кўпроқ тинчлик ҳақида, халқларимизнинг ленинча эзгу қон-қардошлиги ҳақида сўзладик, шеърлар ўқидик.

Ангрендаги кечаги учрашувлар, ундан аввал эса Москвадаги Ленин комсомоли номли заводда ёки Минскдаги Автомобиль заводида, Норак ГЭС қурилишида ёки қирғиз яйловларидаги суҳбатлар совет халқи тинчликни жон-дили билан қадрлаб, ҳозирги ҳаёт ва келажак учун сидқи-дилдан меҳнат қилаётганини қайта-қайта тасдиқлади.

Жонажон Коммунистик партиямиз белгилаган улуғвор коммунистик фаровонлик программасини амалга ошириш учун Тинчлик, мустаҳкам Тинчлик зарур. Тинчликни қадрламоқ ва ардоқламоқ учун эса, уруш даҳшатларини ёдда сақламоқ, эзгу Тинчлик халқимиз учун жуда ва жуда қимматга тушганини ҳамиша хотирада тутмоқ даркор.

Олов тўла домналар гупиллаб қайнаб турсин. «Зангори оташ» пўлат қувурлар орқали мамлакатлар ва қитъаларга етиб одамларга хизмат қилсин, «оқ олтин» хирмонларимиз тағин ҳам юксалсин, поёнсиз далалар, боғлар жамоли яшнасин, янги космик кемалар олис юлдузларни одамзод бахт-саодати учун ўргансин, янги БАМлар, ноқоратупроқ водийлар, улкан шаҳарлар юз очсин, янги равон йўллар ўлкаларни, элларни бирбирига боғласин, яна дунёдунё жаҳоншумул режалар амалга ошсин! Куч-ғайратга тўлиб-тошган, мақсади улуғ, ишончи комил халқ учун, тинчлик-омонлик керак. Ҳа, тинчлик-омонлик бўлса, ҳаёт фаровон, Ватан чароғон бўлади.

Эркесевар башар учун муқаддас байрам — Ғалаба байрами халқларни ва давлатларни тинчликни мустаҳкамлашга, аҳиллик ва бирдамликка даъват этади.

**Бу тонг озод жаҳон**
**этар намойиш**
**Қуёш симирганлар**
**куч-қудратини,**
**Урушларни енгиб, топган**
**оройиш —**
**Бахтиёр халқларнинг**
**шон-шуҳратини.**

**Дўстлар, бу тонг кўриб**
**турибман аён:**
**Ёрқин мавж уради**
**онгларда Қуёш;**
**Советлар диёри порлар**
**нурафшон,**
**Вафоли, сафоли жонларда**
**Қуёш!**

